# ЧОРВАЧИЛИК — УМУМХАЛҚ ИШИ

1986 ЙИЛ, АВГУСТ № 8

**ҚИШЛОҚ, БУТУН АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ МЕҲНАТЧИЛАРИ** хўжалик юритишнинг янги шароитларида Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги куч-ғайратларини кўпайтиришлари керак. Мамлакатни қисқа муддатда озиқ-овқат билан тўла-тўкис таъминлаш — улар мусобақасининг шиоридир. Колхоз ва совхозлар, корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари, агросаноат комплексининг барча бўғинлари нақадар яхши ишласа магазинлар ва бозорларнинг пештахталаридаги маҳсулотлар шу қадар мўл-кўл бўлади, сут, гўшт, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни аҳоли шу қадар кўпроқ олади.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан).

## ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДА

**Бухоро области Пешку райони чорвадорлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи ярмида тармоқни ривожлантириш соҳасида эришган ютуқлари учун социалистик мусобақа ғолиби, деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва республика ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлишди.**

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси районимиз агросаноат бирлашмаси ходимларини меҳнатда янги ютуқларга илҳомлантириб юборди. Мамлакатни қисқа муддат ичида озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш ўзаро мусобақанинг асосий шиори бўлмоқда.

Шу мақсадда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида маҳсулот етиштиришнинг интенсив йўлига ўтмоқдамиз. Айниқса, чорвачиликда бу ўзининг конкрет самараларини кўрсатаётир. Ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган ойларида эришган муваффақиятларимиз буни далиллаб турибди. Чунончи, гўшт, сут, тухум топшириш етти ойлик топшириқларини ортиғи билан адо этдик. Давлатга 826 тонна гўшт, 2797 тонна сут, 729 минг дона тухум етказиб берилди. 1 августгача ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 1156 килограммга етди.

Бундай муваффақиятлар замирида чорва моллари парваришини зооветеринария қоидалари асосида ташкил этиш, наслчилик ишларини кучайтириш турибди. РАПО совети барча фермаларда наслчилик ишларини яхшилаш тадбирлари изчил амалга оширилишини назорат қилиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида Болтиқбўйи республикаларидан 150 бош наслдор сигирлар харид қилинди. Бунинг эвазига фермалардаги қорамол подалари таркиби анча яхшиланиб, маҳсулдорликни ошириш имкони туғилди.

Жумладан, «Пешку» дончилик-чорвачилик совхозида бу тадбир, айниқса, яхши натижа берди. Хўжалик чорвадорлари биринчи ярим йиллик иш натижалари бўйича белгиланганидан анча кўп гўшт топширишди. Сут топшириш плани 130, тухум топшириш 115 процент адо этилди. Шунингдек, «Москва» колхозининг ферма ходимлари ҳам район агросаноат бирлашмаси эришган муваффақиятга муносиб ҳисса қўшишди. Колхоз чорвадорлари планга қўшимча 4 тоннадан зиёд гўшт, 31 тонна сут, 1,5 минг дона тухум етиштирдилар.

Районда ҳали биронта ҳам чорвачилик комплекси қуриб битказилмаганлигига қарамай, фермаларимизда ишни механизациялаш даражаси 80 процентга етиб қолди. Чорвачилик биноларини қуришда маҳаллий материал ресурсларидан кенг фойдаланилмоқда. Кейинги даврда шу йўл билан Ибн Сино номли ва Охунбоев номли колхозларда янги сигирхоналар қурилди.

Айни маҳалда барча резерв ва имкониятлар қишловга пухта тайёргарлик кўришга сафарбар қилинган. Бу йилги сув тақчиллиги шароитида озуқа экинларидан кўзланган даражадаги ҳосилни олиш қийин бўляпти. Шуни назарда тутиб, барча меҳнат ресурсларини дағал хашак тўплашга сафарбар қилганмиз. Ҳозиргача 25 минг тоннага яқин хашак тўпладик. Қишловга белгиланган 31 минг тонна ўрнига 40 минг тонна хашак ғамлашни кўзлаб қўйганмиз. Шу кунларда Варахша массивида 27 та озуқа тўплаш бригадаси фаоллик кўрсатмоқда.

Буларнинг ҳаммаси районимиз хўжаликларида чорвачилик тобора сердаромад соҳага айланиб бориши ва аҳолининг тармоқ маҳсулотига бўлган эҳтиёжи тобора тўлароқ қондирилишини кўрсатиб турибди. Районимиз агросаноат бирлашмаси ходимлари бундан кейин ҳам чорвачиликка раҳбарликни янада яхшилаш йўлида соҳани интенсив юксалиш сари буриш ва йиллик планни Улуғ Октябрнинг шонли 69 йиллиги арафасида беками-кўст адо этиш учун барча тадбирларни кўравердилар.

**З. ХОЛОВ,**
**Пешку район агросаноат бирлашмасининг раиси.**

# ЙИЛЛИК ПЛАН — 7 НОЯБРГАЧА!

**Республикамиз илғор чорвадорлари Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, йиллик планларини барвақт бажаришга аҳд қилмоқдалар**

*Мутахассис таклиф қилади*

## ҚАШҚАРБЕДА — ҚИММАТЛИ ОЗУҚА

Республикамиздаги кўплаб майдонларни адирлар эгаллайди. Суғориладиган ерларда эса шўрхок тупроқлар анчагина. Бундай майдонларда пахта ва бошқа экинлардан кутилгандек натижа олишга эришилмаётир. Адир ва шўрхок ерларга анча бардошли экин турлари экиб, ўзлаштириш ва келгусида тупроқ унумдорлигини оширишнинг резервлари мавжуд. Ана шундай экинлардан бири қашқарбеда (туяйўнғичқа)дир.

Қашқарбеда қурғоқчиликка, шўрга анча чидамли. Унумдорлиги паст бўлган ерларда ҳам яхши ўсаверади. Ҳосилдорлиги шўр ерларга экилаётган озуқа экинларига нисбатан бир неча марта кўп. Қашқарбеда шўр ерларнинг шўрини кескин камайтиради, унумдорлигининг ошишига ёрдам беради. Шу туфайли ундан бўшаган ерларга экилган маккажўхори, арпа, буғдойдан мўл ҳосил олишга эришилмоқда.

Қашқарбеда икки йиллик озуқа экини бўлиб, дастлабки йили бир марта ўриб олинади, сўнгра яна ўсиб чиққач, моллар яйратиб боқилади. Келгуси йили уни 2—3 маротаба ўриб олиб, гектаридан 25—30 тонна яшил масса олиш мумкин. Бундан ташқари қашқарбеда экилган ҳар гектар ерда 150 килограмм азот тўпланади. Бу гектар бошига 25—30 тонна миқдорида органик ўғит солиш билан баравардир.

Ўзбекистон шароитида қашқарбеданинг бўйи 1,5—2 метрга етади, илдизлари эса тупроқнинг шунча чуқур қатламигача кириб боради. Ўсимликнинг совуққа чидамлилиги ён илдизларининг жойлашувига боғлиқ. Агар бу илдизлар юза жойлашган бўлса, ўсимликни совуқ уриши мумкин. Шу туфайли уруғ экилган далани икки маротаба узунасига ҳамда кўндалангига бороналаш ва молалаш лозим.

Қашқарбеда тўйимлилиги жиҳатидан бедадан устун туради. Беда фақат унумдор тупроқларда яхши ҳосил бериши маълум. Йўнғичқа эса юқорида айтганимиздек, унумдорлиги паст бўлган, шўрхок, адир ерларда ҳам яхши ўсиб, мўл ҳосил бераверади. Бундан ташқари у яйловларга экилса, икки йил давомида эрта баҳордан кеч кузгача молларни тўйдириб боқиш имкони туғилади.

Таркибида кумарин моддаси бўлганлиги сабабли қашқарбедани моллар зўр иштаҳа билан ейди. Силоси таркибида бошқа озуқа экинларидан тайёрланган силосга қараганда 2—3 марта кўп оқсил ва мой бўлади. Агар бошқа озуқа экинлари билан қўшиб силос бостирилса, тўйимлилиги янада ортади. Ўсимликнинг келажакда яхши ўсиши учун 10—15 сантиметр қолдириб ўриб олиш мақсадга мувофиқдир.

Қашқарбеда йил бўйи гуллаб туради. Шу туфайли у асаларилар учун ҳам озуқа манбаи ҳисобланади. Йўнғичқа экилган жойларда боқилган асаларилар кўп асал йиғади. У хушбўй, шифобахш бўлади.

Қашқарбеда ёввойи ҳолда республикамизнинг ҳамма районларидаги ўтлоқларда учрайди. Дастлабки вақтда шу ерлардаги ўсимликдан уруғ олса бўлади. Кейинчалик уни кўпайтириб катта майдонларга экилади. Бундан ташқари йўнғичқа уруғи учун мамлакатимизнинг Курган, Омск область агросаноат бирлашмаларига буюртма бериш мумкин.

**В. СЛЕПТЕРЕВ,**
**агроном.**

*Чўпон сўз сўрайди*

## ЯЙЛОВИМИЗ ЭҲТИЁЖЛАРИ

Совхозимиз чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг шу йил июнь Пленуми қарорлари ва партия Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Ҳар иккала муҳим ҳужжатга жавобан меҳнатда социалистик мусобақани авж олдириб, ўн иккинчи беш йиллик ва беш йилликнинг биринчи йили план топшириқларини муддатидан олдин бажаришга бел боғладилар.

Хўжалигимиз фермаларида фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибаларни кенг қўлланиш, қўйлар наслдорлигини яхшилаш борасида бирмунча ишлар амалга ошириляпти. Тўғри, ўтган йили бу борадаги планларимиз бажарилмай қолди. Лекин мавжуд камчиликларни тугатиш йўлида съездлар йилининг ўтган етти ойида фермаларда муайян ишлар қилинди. Натижада ҳозирги кунга келиб, қўйлар бош сони 61 минг 729 бошга етди. План 110 процент бажарилди. Айниқса, совлиқ қўйлар бош сони кўпайди. Баҳорги қўзилатиш мавсуми яхши ўтди. 22 минг 666 бош қўзи ўрнига 24 минг 86 бош қўзи олинди. 13 минг 300 дан кўпроқ қоракўл тери тайёрланди. Шамшетдин Алдабоев, Сансизбой Тўрабоев, Тўлеган Мамбетов, Мавлен Ўнгасбоев каби чўпонлар ўзларига биркитилган 472-559 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 105-125 тадан қўзи олишга муваффақ бўлдилар. Биз ҳам улардан қолишганимиз йўқ. Ҳар 100 бош совлиқдан 120-125 тадан қўзи олдик.

Совхозимизда бешта ферма бўлиб, уларнинг ҳар бирида 30-60 хўжалик истиқомат қилмоқда. Бу фермалар совхоз марказидан 150-180 километр олисда Қизилқум ичкарисидаги массивларда жойлашган.

Очиғини айтганда, фермаларда кўплаб турар-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, савдо, медицина, маиший хизмат кўрсатиш объектлари етишмаслиги, уларнинг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжлари қондирилмаслиги, асфальт йўллар ва транспорт воситасининг йўқлиги тармоқни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Газета-журналларнинг янги сонлари, пенсия ва ёрдам пуллари, хат-хабарлар чўпонларга ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Биз ана шу муаммоларнинг ечимида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетидан ёрдам кутардик. Чунки буларнинг ҳаммаси Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва автоном республика агросаноат комитетига яхши маълум. Бироқ, улар негадир масалага шу пайтгача жиддий ёндашмаяптилар.

Шунингдек, техника воситаларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишда ҳам камчиликларимиз йўқ эмас. Кейинги пайтларда хўжаликларга «Т-28» тракторлари бериляпти. Ундан фойдаланиш бизнинг шароитимизга унчалик тўғри келмаяпти. Улар қум барханларида юролмай қоляпти. Биз уларнинг ўрнига «МТЗ-80», «Т-40», «К-700» маркали тракторлари билан таъминланишни истардик.

Бу йил бутун республикадаги сингари бизда ҳам об-ҳаво чорвачилик учун ноқулай келди. Куз, қиш, баҳор ойлари қуруқ бўлди. Бунинг устига сув камчиллиги юз берди. Биз вазиятдан чиқиб кетиш йўлида дон, силос учун экилган маккажўхоризорлар, эски ва янги бедапоялар парваришига алоҳида эътибор бердик. Мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш мақсадида қўшимча озуқа жамғариш бригадалари туздик. Улар каналлар, ариқлар, коллекторлар ёнларида ва йўл бўйларида ўсган озуқабоп ҳар хил ўт-ўланларни йиғишда жонбозлик кўрсатяптилар. Шу йўл билан қишловгача 7900 тонна хашак, 828 тонна пичан, 1100 тонна витамин уни, 300 тонна маккажўхори дони тайёрлашга, 3600 тонна силос бостиришга сўз берганмиз. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йиллик планимизни муддатидан бир ой олдин бажариш муддаомиздир.

**С. ҚЎШМУРОТОВ,**
**Тахтакўпир районидаги К. Маркс номли совхознинг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**
**Ж. ЖУРГЕНОВ,**
**шу совхознинг бош чўпони, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори.**



**АНДИЖОН. Олтинкўл районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор сут соғувчиси Офтобхон Эргашева бу йил қарамоғидаги 16 бош соғин сигирдан 60 тонна сут топширишга қарор қилган. Коммунист соғувчининг бугунгача соғиб олган сути 40 тоннага яқинлашиб қолди.**
**СУРАТДА: «Оқ чашма» соҳибаси О. Эргашева.**
**Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).**

ҚУВОНЧ САТРЛАРИ

### ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Советобод районидаги «Москва» совхози чорвадорлари гўшт тайёрлаш тўққиз ойлик планларини адо этишди. Эл дастурхонига пландаги 150 центнер ўрнига 267 центнер маҳсулот етказиб берилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврида эришилган натижага нисбатан 142 центнер кўп.

Хўжаликда сут ва тухум тайёрлаш борасида ҳам юксак кўрсаткичларга эришилмоқда. «Оқ чашма» соҳибалари бугунгача топшириқни 171,8 процент бажардилар. Паррандабоқарлар эса планга қўшимча 34 минг дона тухум топширдилар.

Райондаги «Жом» ва «Каттақўрғон» совхозлари чорвадорлари ҳам мусобақада олдинда.

**А. САТТОРОВ.**

### ТОПШИРИҚ БАЖАРИЛДИ

**КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига амалий иш билан жавоб бераётган Ғузор районидаги «Ғузор» давлат наслчилик заводи паррандабоқарлари ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга пландаги 281 минг ўрнига 291,2 минг дона тухум топширилиб, йиллик план шараф билан уддаланди.**

**Шунингдек, Нишон районидаги Карл Маркс номли совхоз паррандабоқарлари ҳам йиллик тухум тайёрлаш планларини ошириб адо этдилар. Шу кунгача пландаги 365 минг ўрнига 382 минг дона тухум етказиб берилди. Хўжалик паррандабоқарлари ўз қарамоқларидаги товуқлардан йил охиригача яна 118 минг дона тухум олишни мўлжаллашмоқда.**

**Х. АМИНОВ,**
**Х. НАЗАРОВ.**

## СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

— Сут булоғини тошираётганлар дейсизми? — Саволимизга савол билан жавоб берди ферма мудири Ҳайдар Файзиев. — Бизда шундай илғорлардан кўп. Масалан, Саломат, Маҳбуба... Келинг, яхшиси ўзлари билан суҳбатлашайлик.

Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлар уйининг дам олиш хонасида бир тўп қизлар гурунглашиб ўтиришарди.

— Жамоат жам-ку, — мурожаат қилди мудир. — Бугунги мусобақада ким ғолиб чиқди?

— Бугун ҳам Маърифат биринчи! — деди Саломат Турмакова. — Шу кунгача соққан сути 30,3 тоннадан ошиб кетди.

— Ўзингдан гапир, говмушларингдан қанча сут соғиб олдинг? — сўради мудир.

— Саломат ҳам Маърифатдан ортда қоладиганлардан эмас. Ҳар сигирдан 9-10 литрдан сут соғиб оляпти, — суҳбатга аралашди бир чеккада газетага кўз тикиб турган Тожи Каримова. — Бизда ҳамма илғор!

Дарҳақиқат, фермада илғорлар сафи кенгайиб бормоқда. Айниқса, Тожинисо Убайдуллаева, Муқаддас Абдурасулова, Маърифат Абдуллаева, Тожи Каримова, Муборак Ғафуржоновалар номини бу ерда фахр билан тилга олишади. Бу — бежиз эмас, албатта. Шу кунгача уларнинг ҳар бири ўзига биркитилган соғин сигирлардан 2200-2300 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлишди. Сутнинг ёғлилик даражаси ҳам нормадагидан юқори.

— Хўш, улар бунга қандай қилиб эришмоқда?

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди Тожи Каримова. —Сигирларни қатъий рацион асосида озиқлантиряпман. Мол тўқ бўлса, сут ҳам мўл бўлиши, табиий. Лекин тўйдиришда ҳам тўйдириш бор. Сигирлар олдига қуруқ хашак солиб қўйиб, улардан кўзланган миқдорда сут соғиб олишни ўйлаш, ўз-ўзини алдаш. Ҳозирги кунда кўк масса, витаминли озуқалар сут булоғини тоширишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ферма коллективи ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг намунали йўлга қўйилганлиги ютуқлар гарови бўлмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва чорвачилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш, план ва мажбуриятларни бажариш — мусобақанинг энг асосий шартларидир. Ҳар ўн кунликда мусобақа якуни чиқарилиб, илғорлар рағбатлантириб борилмоқда.

Ферма чорвадорлари сигирлар маҳсулдорлигини оширишни ўзларининг биринчи галдаги вазифалари деб ҳисобламоқдалар. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Чорва маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш юзасидан зиммага олинган етти ойлик план ортиғи билан уддаланди. Давлатга плandaги 445 тонна ўрнига 466,3 тонна сут, 64 тонна ўрнига 92 тонна гўшт, 55 минг дона ўрнига 62,2 минг дона тухум етказиб берилди. Бузоқ ва қўзи олиш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Кейинги йилларда фермада кўпгина жараёнлар автоматлаштирилди. Сигирларни соғиш, озуқа тарқатиш, чиқиндиларни чиқариб ташлаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Қўл меҳнатининг камайганлиги ортиқча чиқим ва сарф-харажатларга чек қўйиш имконини берди. Айниқса, сут булоғини тоширишда звено усулига ўтиб ишлаш катта иқтисодий самара бермоқда.

Бу ва шунга ўхшаш прогрессив усулларни ишлаб чиқаришга жорий этиш хўжаликка қўл келмоқда. Ўтган хўжалик йилида фақат чорвачиликнинг ўзидан 69 минг сўм соф даромад олинди. Бу йил колхоз меҳнат аҳли эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ниятида тармоқ юксалишининг негизи — озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътиборни қаратаётир. Колхозда озуқабоп экинлар майдони кенгайтирилмоқда. 20 гектар майдонга лавлаги, 78 гектар майдонга беда экилиб, парвариш қилинмоқда.

— Ҳар бош молга камида 36,8 центнердан озуқа бирлиги тайёрлашни мўлжаллаяпмиз, — дейди озуқа етиштириш бригадаси бошлиғи Ўктам Тўрақулов. — Бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. 230 гектар майдондаги озуқа экинлари парвариши намунали йўлга қўйилган. Беда ҳозиргача уч марта ўриб олинди. Уч ўримда беда ҳосилдорлиги гектар бошига плandaги 120 ўрнига 147,3 центнерга тўғри келди. Хўжалик озуқакорлари об-ҳавонинг чорвачилик учун қийин келган бу йилги шароитида ҳар қачонгидан ҳам зўр шижоат билан меҳнат қилаётганликлари гувоҳи бўлдик. Механизаторлардан Одил Иброҳимов, Мирсоат Назиров, Болтахўжа Алабхўжаев, Уйғун Абдуқуловлар беда ўримида ва уни ташишда ҳамкасбларига ўрнак.

Хўжаликда шу кунга қадар 2800 тоннадан зиёд хашак жамғариб қўйилди. 330,9 тонна сомон, 1288 тонна сенаж бостирилди. Сигирлар ўриб олинган кўк масса билан озиқлантирилмоқда. Ширадор ва витаминга бой озуқа билан тўйинган сигирлардан соғиб олинган сут миқдори ҳам, сифати ҳам юқори бўлаётир.

— Ҳар куни давлатга 3300—3400 килограммдан сут етказиб бермоқдамиз, — дейди ферма мудири Ҳайдар Файзиев. — Сут сотиш йиллик планимизни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллиги кунигача шараф билан адо этишга азму қарор қилганмиз.

Сўзи билан иши бир чорвадорлар кўзланган марра сари дадил ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги суръат ва шижоат зафар марраси яқинлигидан далолат бермоқда.

**А. МАННОПОВ,**
**А. ФОЗИЛОВ,**
**Тошкент области.**

### МУСОБАҚАДА ПЕШҚАДАМ

**Фориш районида йилнинг ўтган даврида давлатга гўшт, сут сотиш планлари ортиғи билан бажарилди. Шунингдек қабул пунктларига 88 минг ўрнига 89972 дона қоракўл тери топширилиб, бу борадаги йиллик план 102 процент адо этилди.**

Қоракўл қўйлардан сифатли маҳсулотлар олишда тажрибали чорвадорлардан Муслим Бўронбоев, Маҳамбет Хонтўраев, Жониқул Бобомуродов, Аврал Жумашев ва бошқа ўнлаб яйлов баҳодирлари яхши кўрсаткичга эришдилар.

Райондаги «Қизилқум», «Известия», «2-Фориш» совхозлари чорвадорлари мусобақада пешқадам.

**Ў. ДОСТОНОВ.**

## ҲИСОБИНИ БИЛМАГАНЛАР

**Наманган районидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган Тельман номли колхозда илғор иш усулларидан фойдаланилмаяпти. Маҳсулот таннархи қимматга тушмоқда.**

Ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш планларини бажармаганлиги, чорвачиликдаги ишларнинг қониқарсиз аҳволи учун колхоз раиси М. Умаровга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан ҳайфсан эълон қилинди. Партия ташкилотининг секретари Ғ. Исоқов ишдан олинди. Бунга қарийб бир йил бўлди. Бироқ колхозда ижобий ўзгаришлар сезилмаяпти.

Хўжаликдаги кўнгилсиз аҳволнинг асосий сабаби шундаки, бу ерда синовдан ўтган илғор иш усулларидан фойдаланилмаётир. Ҳолбуки, боғдорчилик ва чорвачиликда ишларни оилавий пудрат усулида ташкил этиш областда бир неча йиллардан бери қўлланиб келинмоқда ва юксак самаралар бераётгани ҳам барчага маълум.

Хўжаликнинг икки ёнида «Ленинград» ва «Партия XXII съезди» колхозлари жойлашган. Оилавий пудрат туфайли ҳар иккала хўжаликда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида яхши натижаларга эришилмоқда. Айниқса, дончилик, чорвачилик ва ем-хашак етиштиришда оилавий пудрат усули суръатга қанот бахш этмоқда. Жумладан, «Ленинград» колхозида шу усул натижасида ҳар йили бедадан 200 центнердан, қизилчадан 800—900 центнердан ортиқ ҳосил олиняпти. Машина-трактор паркининг хўжалик ҳисобига ўтказилганлиги ҳам техника-транспорт воситалари иш унумини ошириб, юмушларнинг бир маромда ташкил этилишига имкон бераётир. Буларнинг ҳаммаси давлат планларининг ошириб бажарилишига, маҳсулот таннархининг арзонлашишига, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб боришига хизмат қилмоқда.

Тельман номли колхозда эса аксинча. Сут-товар фермасида бўлганимизда даладан келтирилган қуруқ хашак ғарамга паншахаларда босилаётгани, прицеплардаги кўк беда охурларга қўлда ташиб солинаётганининг гувоҳи бўлдик. Бир неча минг сўм сарфлаб қурилган агрегатда йил бошидан буён атиги 15 тонна ўт талқони тайёрланди. Бирор килограмм ҳам донадор озуқа чиқарилмади.

### МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

Фермада 300 та сигир бўлиб, уларнинг тенг ярми жайдари моллардан иборат. Қундузхон Абдуллаева, Шаҳзода Ашурова, Дилбархон Қосимовалар ҳар бош сигирдан кунига 9—10 литрдан сут соғишаётгани ҳолда қолган саккиз соғувчи 6—7 литрдан сут олишяпти. Шуниси ачинарлики, фермада соғувчи, молбоқарларнинг иш натижасини кўрсатиб борувчи тахта бўм-бўш. Пешқадамлар тажрибаси, илғор иш усулларига оид бирорта кўргазмали восита йўқ.

Бундай лоқайдлик экинлар ҳосилдорлиги ва сифатига ҳам жиддий таъсир этмоқда. Масалан, 216 гектар бедапоядан бу йил икки ўримда зўрға 90 центнердан қуруқ пичан олинди. Бедани вақтида ўрмаслик, ғарамга босмаслик оқибатида унинг 62 проценти паст класс билан баҳоланди. Ўтган йили район бўйича озуқабоп қизилчадан 650 центнердан ҳосил олинган бўлса, колхозда аранг 600 центнердан хирмон кўтарилди.

Ниҳоят, бу йил дончилик ем-хашак етиштириш, теплица ва сабзавотчиликда 40 та оилавий звено ташкил этилди. Унинг афзаллиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, Абдуғаффор Қаюмовнинг оилавий звеноси 30 центнер ўрнига 47 центнердан дон топширди. Буғдойдан бўшаган майдонларга ғоят қисқа муддатларда такрорий экинлар экилди. Теплицада деҳқончилик қилаётган Шермамат Салимов, Мирсаид Шодиев, Асқарали Акбаровлар ҳам бодринг, помидор, пиёз етиштиришда юқори натижаларга эришишди.

Лекин хўжаликда оилавий пудрат афзаллиги, бу усулнинг манфаатдорлиги одамларга чуқур тушунтирилмаяпти. Шу сабабдан айрим оилавий звенолар ўз зарарига ишламоқдалар. Чунончи, Боқижон Исматовга қарашли 12 гектардаги бедапоянинг навбатдаги ўримга келганига анча бўлди. Беда гуллаб ўтганига қарамай у ҳануз ўрилмай турибди. Бу — звеногагина эмас, балки хўжаликка ҳам жиддий зарар эканлигини наҳотки колхоз раҳбарлари тушунмаса?!

Эскича ишлаш, айниқса, теплица хўжалигида ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Республикада теплицанинг ҳар квадрат метридан 15—16 килограммдан сабзавот олинса-ю, бу ерда мавжуд 8 гектар теплицанинг ҳар квадрат метридан 7—8 килограммдан ҳосил етиштирилаётганини қандай баҳолаш мумкин? Бунинг устига бир центнер теплица маҳсулоти плandaги 6 сўм 85 тийин ўрнига 8 сўм 56 тийинга тўғри келмоқда.

Илғор иш усулларини жорий этмаслик колхозда маҳсулот етиштириш турларининг бажарилмаслигига, таннархнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Хўжалик раҳбарлари пудрат усули асосида ишни яхшилаш ўрнига етиштириш жараёни осонроқ бўлган хўраки қизилча, пиёз, болгар қалампири каби маҳсулотлар ҳисобига план тўлдиришяпти. Оқибатда колхозда етиштирилган маҳсулотлар таннархи қимматга тушмоқда. Хўжаликда бир центнер сутга 180 озуқа бирлиги ўрнига 201 озуқа бирлиги сарфланишига қарамасдан 100 литр сут 21 сўм 43 тийин ўрнига 25 сўм 6 тийинга, бир центнер гўшт 188 сўм ўрнига 248 сўмга тушмоқда. Тухум нархи ҳам мўлжалдагидан 9 сўм қиммат.

Кўриниб турибдики, КПСС XXVII съезди ўртага ташлаган жадаллаштириш вазифаси колхоз раҳбарларига ҳали етиб бормаган. Хўжалик мутасаддиларининг илғор иш усулларини жорий этмаётгани, мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланишга эътиборсиз қараётгани, янгича фикрлашга, ишни ўнглашга, аниқроғи, қайта қуришга бундай муносабатлари лоқайдликдан бошқа нарса эмас.

Ўйлаймизки, район партия ва совет ташкилотлари колхоз раҳбарлари фаолиятидаги бундай хотиржамликка барҳам бериб, ишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш чораларини кўрадилар.

**Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

